

---

Давлат мукофоти совриндорлари халқ орасида яна бир бор эътироф этилди

Давлатимиз раҳбари томонидан куни кеча қабул қилинган фармонларига кўра, Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан мамлакатимизда барча соҳаларда ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Қувонарлиси, мазкур мукофотланганлар орасида Ўзбекистон тумани вакиллари ҳам бўлиб, Ўзбекистон тумани прокурори Назаров Мирзобедил Шухратович “Содиқ хизматлари учун” медали билан, тумандаги “Ўрмонобод” фермер хўжалиги бошлиғи Отажонов Муроджон Ўрмонович эса “Шухрат” медали билан тақдирланди.

“Кичик Оқмачит” маҳалласида ўтказилган мустақиллик байрами тадбири давомида мазкур туманимиз вакилларининг муносиб меҳнатлари яна бир бор эътироф этилиб, уларга туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-09-01 07:05:46